



**Farg'onaazot**  
aksiyadorlik jamiyati

*BAYRAMINGIZ MUBORAK BO'LSIN,  
AZIZ KIMYOGARLAR!*



# Kimyogar

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Gazeta 1979 yil yanvar oyidan chiqqan boshlagan.

[www.azot.uz](http://www.azot.uz)

[info@azot.uz](mailto:info@azot.uz)

[@uzkimyosanoat](https://www.facebook.com/uzkimyosanoat)

[t.me/mefargona\\_azot](https://t.me/mefargona_azot)

№ 4 (1680) 2020-yil, 27-may.

**БАРЧАМИЗ  
ҲАМЖИҲАТ БЎЛСАК,  
КОРОНАВИРУСНИ  
ЕНГАМИЗ!**

2 бет



**СОЦИАЛЬНАЯ  
ПОМОЩЬ В ПЕРИОД  
КОРОНАВИРУСНОЙ  
ПАНДЕМИИ**

3 стр.



**ПРЕДАННЫЕ  
СВОЕЙ  
ПРОФЕССИИ**

4 стр.



## “Farg'onaazot” акциядорлик жамияти: ЯНГИЛАНИШ, МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА РИВОЖЛАНИШ МЕЗОНЛАРИ

Бугунги кунда корхона маҳсулотлари нафақат мамлакатимиз ички бозори, балки дунёнинг турли қитъаларида машҳур савдо бренди-га айланиб бораётгани қувонарлидир.

**М**амлакатимиз тараққийнинг бугунги босқичида иқтисодий ривожлантириш, хорижий инвестициялар жалб этиш, экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда шу орқали халқимиз турмуш фаровонлигини яхшилашда саноат ва йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг ўрни бекиёсдир.

Бу борада саноат салоҳияти, хусусан, кимё саноатини ривожлантириш мақсадида олиб борилган кенг қўламли ҳаётбахш ислохотлар натижасида “Farg'onaazot” акциядорлик жамиятининг фаолият қўлами тубдан янгилашиб, нафақат Фарғона водийси, балки мамлакатимиз, Марка-

зий Осиё микросидаги мавқеи тобора юқсалиб бормоқда. Хабарингиз бор, ҳар йили мамлакатимизда май ойининг охири яқинбаси Кимёгарлар куни касб байрами катта тантана сифатида нишонланади. “Кимёгар” газетасининг байрам муносабати билан тайёрланган махсус сониди корхона тарихи, фаолиятининг муҳим йўналишлари ва ютуқлари, ижтимоий ҳимоя, коронавирус пандемияси давридаги ибратли фаолияти, “Саховат ва кўмак” умумхалқ хайрия ҳаракати қўшган муносиб ҳиссаси, корхона ривожига катта ҳисса қўшган малакали мутахассис ва раҳбарлар фаолияти ҳақида яқиндан танишишингиз мумкин.



брендига айланди. Жаҳон бозоридида талаб ва эҳтиёжни ўрганиш учун маркетинг, менежмент ишлари яхши йўлга қўйилганлиги сабабли сўнгги йилларда маҳсулотлар ишлаб чиқариш қўлами, янги маҳсулот турларини ўзлаштириш ҳамда тобора кенгайиб бормоқда.

Шу фурсатдан фойдаланиб, корхона ишчи-хизматчилари, соҳа фахрийлари, барча-барча ҳамкасблар ва яқин ҳамкорларимизни Кимёгарлар куни касб байрами билан самимий муборакбод этаман. Юрт равнақ-ривожи, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлидаги ҳар бир ходим, мутахассис меҳнати юқсак олқиш ва таҳсинга сазовордир. Бугун ана шундай улғувор вазифаларни бажаришга бел боғлаб, корхонамизнинг иқтисодий-ижтимоий

соҳалардаги муваффақиятларини таъминлаб келаётган жамоадорларимизни анъанавий касб байрамлари билан чин дилдан қўтаймиз.

Қадрли ишчи-хизматчилар, муҳандис-техниклар ва мутахассис дўстларимизга ҳар доим бардамлик ва кучкуват, меҳнат жабҳасида катта омадлар ёр бўлишини тилайман.

“Farg'onaazot” акциядорлик жамияти доимо юқсак марраларни қўзлаган корхона сифатида эртанги кун истиқболи билан боғлиқ ислохотлар йўлида дадил оидимлайверади.

**Абдулатто САЛИЖАНОВ,  
“Farg'onaazot”  
АЖ Бошқарув раиси.**

**Байрам табриги:**

### ФИДОЙИ МЕҲНАТ ОЛҚИШ ВА ШАРАФГА МУНОСИБ

Халқимиз биз кимёгарларни мўъжиза яратувчилар, деб таърифлайди. Айни пайтда бу касбимиз, ишлаб чиқариш фаолиятимизга берилган юқори баҳодир. Кимё саноати тармоқлари бундай юқсак таърифга мамлакат иқтисодийтини мустаҳкамлаш, етакчи соҳа - қишлоқ хўжалиги учун хилма-хил турдаги минерал ўғитлар ва бошқа препаратлар етказиб беришда эришяётган натижалари, изланиш ва интилишлари билан ўтаётган фидокорона меҳнатлари туйғайли сазовор бўлиб келмоқдалар.

**М**ухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг кимё саноатини ривожлантириш, тармоқдаги корхоналар фаолиятини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, модернизация қилиш, соҳа фаолияти турмуш фаровонлигини юксалтириш борасидаги эзгу ташаббуслари замонавий мезонлар асосида амалга оширишда кўнарали, албатта. Ҳаётбахш ислохотлар корхонамиз фаолиятини юксалтиришда ҳам муҳим дастуриямал бўлаётгани барчамизни беҳад мамнун

этади. Ҳозирги кунда “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти таркибидидаги йирик корхоналар сирасига кирувчи корхонамизда кенг қамровли бунёдкорлик, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, модернизация ишлари амалга оширилмоқда. Бунинг самараси сифатида кейинги йилларда корхонамизда экологик ва табиий сифати жиҳатидан жаҳон стандартларига тўла жавоб берадиган саноат, халқ истеъмоли ва қишлоқ хўжалиги учун керакли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва салмоғи кен-

гайди. Мустақиллик йилларида жамиятда саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш ва импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ҳамда материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш борасида муҳим қадамлар ташланди. Натижада таркибий қайта ўзлаштирилган, саноат ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялашга қаратилган энг муҳим дастурлар, шунингдек, инвести-



ция лойиҳалари амалга оширилди. Шу боис бугунги кунда корхонада ишлаб чиқарилаётган минерал ўғит ва кимё маҳсулотлари мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги эҳтиёжини таъминловчи, узоқ-яқин хориж давлатларида экспорт қилинадиган машҳур савдо

## ТАРИХ ВА КЕЛАЖАКНИ УЙҒУНЛАШТИРГАН КОРХОНА

Ўтган асрда дилбар водий маркази бўлган Фарғона шахри саноат шахри сифатида машҳур бўлиб, бир неча йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатар эди.

**1958** йили Фарғона шахрида азотли ўғитлар заводи қуриш ҳақидаги ҳукумат қарори қабул қилиниб, Қирғулидаги нефтни қайта ишлаш заводи ёнида бўш ётган дашт ерлардан 50 гектар майдон ажратилди. 1959 йил 22 июль куни қурилажак завод дирекцияси таркибини тасдиқлаш ҳақида буйруқ чиқарилди. Шу тарихи қурилиш ишларига мамлакатимизнинг энг нуфузли ва тажрибали мутахассислари жалб этилди.

1962 йил 20 сентябрь куни биринчи марта Фарғонада донадор аммиакли селитра ишлаб чиқарилди. Айнан шу кун Ўзбекистон Республикаси кимё саноати тарихида қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғит тайёрлаб берадиган яна бир корхона – Фарғона азотли ўғитлар заводи дунёга келган кун сифатида тарихга кирди.

Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ва янги қувватларни ўзлаштириш билан бир қаторда янги цехлар қурилиши ҳам жадал давом этди. Белгиланган режалар муддатидан олдин бажарилар, ихтиролар яратилар, иш ташкил қилишининг энг самарали усуллари қўлланилар, кунлар, ойлар ўтгани

сайни янги-янги марралар забт этилар эди. 1962 йили заводда биринчи маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, беш-олти йил ичида корхонанинг ишлаб чиқариш цехлари, ишлаб чиқариш қуввати жадаллик билан юқсалиб борди. Бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бундай ютуқлар замирида ҳар бир янги цех қурилиши, ишга туширилган янги объект ва иншоотлар ташкилотчи раҳбарлар, малакали мутахассислар, фидойи ишчи-хизматчиларнинг заҳматли ҳамда шарафли меҳнати муҳимдир.

Айни кунларда корхона жамоаси устозлар тажрибаси, голиблик анъана ва қадриятлари бардавом бўлиши учун тинимсиз изланишларни давом эттирган ҳолда меҳнат қилмоқда. Бу борада соҳа ривожига қаратилган эътибор ва рағбат кўп миллатли аҳил-иноқ жамоа гайратига файрат, шижоати-га шижоат қўшмоқда.

Бугун корхонанинг ҳар бир ишчи-хизматчиси, мутахассиси, масъул ходими ва раҳбари қалбларга ғурур ва ифтихор бахш этадиган тарихий жаранга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётгани учун ҳақли равишда фахрланади.

Ҳаётбахш дастурлар ижроси корхонанинг иқтисодий салоҳиятини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Масалан, биргина ўтган 2019 йили 1 324,1 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, режа 105,9 фоизга бажарилди. Бир йил олдингига нисбатан ўсиш суръати 113,5 фоизни ташкил этди.

**2019** йилда 316,8 минг тонна минерал ўғитлар ишлаб чиқарилди. Ўтган йили корхона томонидан 47,9 млн. доллар миқдорда маҳсулот экспорт қилинди. Корхона маҳсулотлари Афғонистон, Қирғизистон, Тожикистон, Россия, Украина, Жанубий Корея каби давлатларга экспорт қилинишига эришилмоқда. Инвестиция дастури доирасида 2019 йилда 100 минг доллар ўзлаштириш кўзда тутилган бўлса, амалда 356 минг доллар ўзлаштирилиб, режа 350 фоизга бажарилиши таъминланди.

Корхона томонидан маҳаллийлаштириш дастури бўйича 2019 йилда 29 838,5 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шунингдек, ўтган йили корхонада импортни камайитириш, таннархни қисқартириш, кўшимча лойиҳалар, кадрлар захирасини яратиш ҳамда ёрдამчи хўжаликларни фаолиятини ривожлантириш, ишчи-хизматчилар учун кундалик зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини шакллантириш борасидаги савий-ҳаракатлар муваффақиятли тарзда амалга оширилди.

2020 йилнинг биринчи чорағида 375,3 млрд.сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб режа 107,9 фоизга уддаланди. Шу йилнинг январь-март ойлари учун белгиланган экспорт режаси ҳам ортиги билан бажарилишига эришилди. Биринчи чорағда бошқа муҳим кўрсаткичлар бўйича ҳам белгиланган устувор вазифалар тўлиқ бажарилди.

Биринчи чорағда корхонанинг эскирган қувватларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, модернизация қилиш, йирик лойиҳаларни амалга ошириш соҳасида ҳам қувонарли ютуқларга эришилди. Корхонада талаб юқори бўлган баъзи бир хом ашё турларини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ҳам доимий эътиборда. Корхона мутахассислари томонидан мамлакатимиздаги

## ЮТУҚЛАР ҲАЁТБАХШ ДАСТУРЛАР САМАРАСИДИР



турдош корхоналардан олиб келинадиган кимёвий хом ашё таннархи қимматга тушаётгани инobatта олиниб, мазкур жараённинг иқтисодий ва назарий жиҳатлари ўрганилади. Ана шундай изланишлар натижасида ишлаб чиқарила бошлаган янги маҳсулотлар корхона учун йил-лига салмоқли маблағларни тежаш борасида жуда катта иқтисодий самара бормоқда.

Бундай муваффақиятларни қўлга киритиш учун корхонанинг маркетинг, иқтисодий таҳлил сингари бўлимларида замонавий ишлаб чиқариш технологияларига асосланиб, яратилаётган янги маҳсулот таннархи хом-чўт қилинади. Бу борада хом ашё ва материаллар, ёқилғи-энергетика захиралари, ишчи-мутахассислар учун меҳнат ҳақи ҳаражатлари каби жиҳатлар ҳисобга олинади. Яқунда таннарх ички ва ташқи бозорда-

ги рақобатчилар маҳсулотлари нархига қиёслашиб, истиқболли лойиҳаларнинг ўзини-ўзи қоплаш мuddати ўрганилади. Шундан кейингина янги маҳсулот ишлаб чиқаришга жорий этилади.


Замонавий маркетинг, иқтисодий таҳлиллар асосида корхонада натрий, нитратлар ишлаб чиқариш қўлами ҳамда истеъмол содаси ишлаб чиқариши тобора ошириб бориш режалаштирилган. Бу жараёнда органик кимё, органик синтез асосида тайёрланувчи маҳсулотлар локализациясини ташкил этиш билан импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлашга эътиборни кучайтириш яна бир муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Кейинги йилларда корхонада илгари четдан импорт қилинган органик кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш тобора ортиб бораётгани катта миқдордаги валютани тежаш имконини бормоқда. Ҳозирги кунда корхонада ишлаб чиқарилаётган полипак, бугу риангенти, аэрофлонт, кипан каби маҳсулотлар бу борадаги изланишлар самараси ҳисобланади.



# ХОРИЖИЙ ҲАМКОРЛИК КЎЛАМИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265 сонли «Кимё sanoatini янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида «Farg'onaazot» АЖда учта инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.



2019 йилда 100 минг доллар ўзлаштириш кўзда тутилган, амалда 356 минг доллар ўзлаштирилди. Хусусан, Аммиак ва карбамид ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, аммиак ишлаб чиқаришни йилга 660 минг тоннага ва карбамид ишлаб чиқаришни 600 минг тоннага етказиш. Лойиҳани тахминий қиймати 91,0 млн.доллар. Аммиакли селитра ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва азот кислотаси ишлаб чиқаришни кенгайтириш. Аммиакли селитра ишлаб чиқариш

куватларини йилга 700 минг тонна ва азот кислотаси ишлаб чиқариш қувватларини йилга 530 минг тоннага етказиш. Лойиҳани тахминий қиймати 45,0 млн.доллар. Иккала лойиҳа ҳам «Farg'onaazot» АЖ ўз давлат акциялари ва «Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2,95 фоиз акцияларини инвестиция мажбуриятларини қабул қилиш шартли билан сотиб олиб, тўғридан-тўғри инвестициялар киритиш орқали амалга оширилади.

Кейинги йилларда корхонамиз кўплат ҳорижий давлатлар хусусан, ривожланган давлатларни нуфузли компаниялари билан ҳамкорликни ўрнатиб келмоқда. Буюк Британиянинг «Energy Power Solution» LTD, Исроил давлатининг «G.E.S. Global Environmental Solutions» LTD, Япониянинг «Mitsubishi Heavy Industries» LTD, Жанубий Корея Республикасининг SK Engineering & Construction Co., Ltd.» ва «Huvis Corporation» каби бир қатор компаниялар билан алоқалар янада мустаҳкамланмоқда.

# РАҲБАРЛИК САЛОҲИЯТИ-КУЧЛИ ТАРИХИЙ ИНСОНЛАР

Халқимизда раҳбарлик мартабаси билан боғлиқ ибратли ва ҳикматли сўзлар жуда кўп. Бу халқимизнинг бундай инсонларга нисбатан ҳамиша юксак ҳурмат ва эъзоз билан муносабатда бўлганлигини англатади.

Корхонанинг ярим асрдан зиёдроқни ташкил этувчи тарихи давомида кўплат кучли раҳбарлик салоҳиятига эга мутахассислар фаолият олиб борган. Корхонанинг биринчи раҳбари Маруан Бўрбоев, унинг муносиб издошлари Саттор Ёқубов, Равиль Акрамов, Иброҳимжон Расулқулов, Михаил Кутуев, Абдуҳашим Абдуллаев, Тоҳир Ҳайдаровларнинг ҳар бири корхонанинг шонли тарихида ўз ўрни, ҳурматига эга тарихий инсонлардир. Айнан тарихий шахслар ҳақида сўз кетганда, Абдуҳашим Абдуллаевич Абдуллаевнинг ноини алоҳида тилга олиб ўтиш жоиздир. Корхонада оддий ишчиликдан биринчи раҳбарликкача етиб бор-



ган Абдуҳашим Абдуллаев ноини корхона аҳли ҳамиша эътибор ва эъзоз билан тилга олади. Абдуҳашим Абдуллаев 1972 йилда Фарғона политехника институтини тамомлагач, кейинги фаолиятини

«Фарғона Азот» корхонаси билан чамбарчас боғлади. 1992 йилдан 2005 йилгача корхона бош директори лавозимида ишлаган. Ундаги ташкилотчилик қобилияти, кўпминг кишилик меҳнат жамоасини бошқариш, одамлар билан ишлаш санъати юксак бўлган. Шунинг учун ҳам 1992 йилда у «Фарғона Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори лавозими-га тайинланди. Бу республикамиз мустақилликка эришган дастлабки йиллар бўлиб, ўтиш даврида аҳоли бир қадар танг эди. Мана шу йилларда Абдуҳашим Абдуллаевнинг фақуллода ташкилотчилик қобилияти, фидойилиги тудайли завод баҳоли қудрат ишлаб турди. Кейинроқ эса, яъни 2000 йиллардан бошлаб юксалиш



йўлига чиқиб олди. Шу йилларда Абдуҳашим Абдуллаев бошчилигида корхонада бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 1999-2001 йилларда хлорат магнийли дефолитан ва хлорат натрий цехларида реконструкция ишлари тугатилиб, фойдаланишга топширилди. 2001-2003 йилларда эса кучсиз азот кислотаси ва аммиакли селитра цехлари қурилиши яқунла-



ниб фойдаланишга топширилди. Шу ўринда тазкидлаб ўтиш жоизки, янги цехларнинг қурилиши корхонанинг республика иқтисодиётидаги салоҳиятини сақлаб қолишига ва келажакка ишонч билан қарашга имкон яратди. Шубҳасиз, корхона тарихидаги энг оғир даврларда раҳбарлик қилган Абдуҳашим Абдуллаев унинг ривожига учун ҳаётининг энг ёрқин йилларини бахш этди. Шу боис кўп минг сонли ва кўп миллатли жамоа бугунги кунда ҳам бу инсонни корхона ривожига беқисс ҳисса қўшган устоз сифатида юксак қадрлайди.

# БАРЧАМИЗ ҲАМЖИҲАТ БЎЛСАК, КОРОНАВИРУСНИ ЕНГАМИЗ!

Ўтган йилнинг декабрь ойида Хитойда аниқланган ва кейинчалик бутун дунёга тарқалган коронавирус сайёрамизда бир маромда давом этаётган ҳаёт ва яшаш тарзини ўзгартириб юборгани айти ҳақиқатдир.

Х аётий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, бу иллатга қарши барчамиз ҳамжihatликда кураш олиб борсак, албатта, коронавирუსни енгамиз. Айти жихатларни инобатга олган ҳолда коронавирүсда ҳам COVID-19 инфекиция тарқалишининг олдини олиш буйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Ҳар бир цех, тармок, тузилмаларда касаллик хавфи, унинг оқибатлари ва олдини олиш борасида кенг кўламли тушунтириш-тарғибот ишлари ташкил этилди. Корхона ишчи-хизматчилари беғараз равишда химоя ниқоблари, антисептик воситалар билан таъминланди.



Корхона ҳудудида доимий дезинфекция тадбирлари ўтказилиб, иш жойлари, маиший бинолар, автотранспортлар, қириш йўлакларидида кучайтирилган тартиб ўрнатилди. Биринчи навбатда Республика комиссиясининг топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида масъул раҳбарлар ва шифокорлардан иборат ишчи гуруҳи тузилиб тегишли вазифалар белгиланди. Ҳар бир цех, тармок, тузилмаларда касаллик хавфи, унинг оқибатлари, олдини олиш юзасидан кенг қамровли тушунтириш тарғибот ишлари ташкил қилинди. Корхонада темир интизом ўрнатилди, юксак масъулият ҳиссини шакллантиришга жиддий эътибор қаратилди. Шу кунгача ишчи-ҳодимларга беғараз равишда 217000 та химоя ниқоби ҳамда 3200 та индивидуал антисептик воситалари ва 200 дона 0,5 литрлик антисептик воситалари тарқатилди. Корхонада ишлаб чиқарилган суюқ 0,5 фоизли гипохлорид эритмасидан корхона ҳудуди, иш жойлари, ошхоналар, маиший бинолар, автотранспортлар, ишчи-ҳодимларнинг ўтиш жойлари (КПП) доимий равишда дезинфекция қилинмоқда.

Цехлари барқарор ишлашини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада ишчи-хизматчиларни ўз вақтида келиб-кейтишлари учун кўшимча маршрутлар ташкил қилинган бўлиб, семена тўлик ишчи-ҳодимлар билан таъминланган. Корхонада

ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ ва узлуқсиз давом этиши учун хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар захираси етарли даражада шакллантирилди. Минерал ўғитларни бозор таъминоти борасида ички бозорнинг барча тоифадаги харидорлари учун биржа савдолари орқали ҳажми чекланмаган лотларда ва нарх чекловларисиз сотиш механизми жорий этилди. Ҳозирги кунда корхона цехларида ишлаб чиқарилаётган 7 турдаги кимёвий маҳсулотлар 10 дан ортик мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини камайтириш мақсадида жамият томонидан сарф-харажатларни 84 млрд.сўмга камайтириш чоралари қўрилди.

Корхона ишчи-хизматчиларининг томоғка ер майдонларига энг зарурий кундалик озиқ-овқат, полиз ва сабзавот экинлари экилганилиги ўрганилди. Бу буйича мониторинг ишлари йўлга қўйилди. Ишчи-хизматчилар мазкур томоғка майдонларидан иш ҳақидан ташқари 9 млрд. сўмдан ортик даромад олиши кўзда тутилмоқда. Натихада 4 мингдан кўпроқ оилада озиқ-овқат танқислигининг олди олишда ва бозорларда нарх-наво муътадиллиги таъминланди. Ўз навбатида корхона тасарруфидаги яқин помидор, 26 тонна бодиринг, 1 тонна аччиқ қалампир ва 6 тонна булғор қалампир, 4 тонна лимон етиштириш ҳамда ишчи-хизматчиларга тарқатиш режалаштирилган. Шунингдек, корхонанинг саноят зонаси ҳудудидаги 2,4 гектар ерга пивёз, 4,1 гектарига помидор, булғор қалампир, ловия, қарам, бақлажон, бодиринг ҳамда бошқа турдаги дон ва полиз экинлари экилган. Коронавирүс пандемияси тасъирини юмшатишда технологик ишлаб чиқариш

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ – БОШ МЕЗОН

Корхонада йил ниҳояси буйича бўлиб ўтадиган конференция йиғилишларида ана шу йилларга мўлжаллаб қабул қилинган жамоа шартномаси бажарилишининг яқунлари кўриб чиқилади.

Конференция йиғилишларида жамоа шартномасининг бажарилиши яқунлари буйича корхона масъул раҳбарларининг ҳисоботи тингланади. Маърузада корхона ҳодимлари учун яратилган қулайликлар, кўшимча имтиёзлар, шарт-шароитлар, ҳодимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлари таъминланганлиги, хавфсиз ва қулай меҳнат шaroитлари яратилганлиги ҳамда маданий-маърифий тадбирларни ташкил этиш борасида амалга оширилаётган ишлар сарҳисоб этилади. Қувонarli жиҳати шундаки, кейинги йилларда иш берувчи ва касаба уюшмаси ижтимоий шериклик асосида фаолият олиб бориши учун «Инсон манфаатлари ҳар нарсдан улуг» деган тамойил асосида жамоа шартномасига бир қанча янгиликлар киритилган. Бу аёллар, ёш ва кам таъминланган оилалар, тажрибали ва ёш мутахассислар, меҳнат фахрийларини кўшимча рағбатлантириш ҳамда имтиёзлар бериш каби жиҳатларни назарда тутди. Корхонада меҳнат шaroитларини

яхшилаш учун ҳар йили «Меҳнат муҳофазаси» буйича битим ишлаб чиқилади. 2019 йилда касаба уюшмаси кўмитасига ҳодимлар томонидан 855 та мурожаатлар келиб тушди. 2019 йилда моддий ёрдам учун 293 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Ишчи-ҳодимларнинг саломатликларини тақлашга санаторийларда дам олиш учун 381 млн. 75 минг сўм маблағ йўналтирилди. Корхона қошидаги даволаш соғломлаштириш диагностика цехида ишчи-ҳодимлар бепул даволаниш ҳуқуқига эга бўлиб, мунтазам равишда тиббий кўриқлар ўтказиб борилади. Тиббий текширувлар натижасида санаторийларда даволаниш ҳамда бола парварши билан таътилда бўлган аёллар, кутулмаган табиий офатлардан зарар кўрган оилаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилади. Ўтган 2019 йилда касаба уюшма кўмитаси томонидан корхона тасар-

руфидаги даволаш-соғломлаштириш диагностика цехи ва реабилитация бўлимида жамоа фахрийлари, пенсионерларни амбулатор шaroитда даволаниши йўлга қўйилди. Бундай турдаги ёрдамдан ўтган йил мобайнида 83 нафар пенсионерлар йўлбарас асосида даволанишга муваффақ бўлдилар. 2019 йили корхона қошидаги «Кимёгар» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ёз мавсумида 1562 нафар келажакимиз ворислари таътилни яхши ўтказишларига эришилди. Бу кўрсаткич 2018 йилга нисбатан 308 нафар болага кўпайганини кўрсатади. Спорт-соғломлаштириш мажмуасида жисмоний баркамолликка эришиш учун барча шaroитлар муҳайё этилган. Корхонада доимий равишда спорт мусобақалари ўтказиб борилиши туфайли жамоаларимиз шаҳар, вилоят биринчиликларида фахрли ўринларни эгаллаб келишмоқда. 2019 йили спорт-соғломлаштириш буйича касаба уюшма кўмитаси ҳисобидан 135 млн. 168 минг сўм маблағ сарфланди. Бу орқали турли спартакиада мусобақалари фойлиблари, кўтлүғ байрам саналари

муносабати билан уюштирилаётган маънавий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этганлар муносиб рағбатлантирилмоқда. Фаол ишчи-хизматчилар учун мунтазам равишда Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари бўйлаб сайёҳатлар ташкил этилади. Корхона қошида ташкил этилган мевали боғ ва узумзорлар, иссиқхона, чорвачилик ва баликчилик тармоқлари ишчи-хизматчиларни кундалик зарурий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, бепул ва имтиёзли оқватланишни ташкил этиш, куз-қиш мавсуми учун озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини яратиш имконини беради. Бир сўз билан айтганда, корхонада ижтимоий химоя, ишчи-хизматчиларнинг ишлаш ва яшаш шaroитларини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишлар мамнунийят билан эътироф этишга арзийди. Касаба уюшма кўмитаси корхона раҳбарияти билан ҳамкорликда бу борадаги ишлар бардавом бўлишини таъминлайди.

Илҳомжон АБДУВОҲИДОВ, «Farg'onaazot» АЖ касаба уюшма кўмитаси раиси.

# «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати: ЭЗГУ ТАШАББУСЛАРГА КАМАРБАСТА КОРХОНА

Мухтарам Президентимизнинг 2020 йил 20 апрель кунги видеоселектор йиғилишида «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиш ҳақидаги ташаббуси халқимизни эзгу мақсад йўлида янада жипслаштирди.

Аслида бундай мураккаб ва оғир шaroитда эл қорлаганда «Лабабай!» дея хизматда камарбаста бўлиш, юрт қорига яраш ва мушуқулини осон қилиш халқимизнинг эзгу фазилатлари сирасига

киради. Асрлар давомида сайқалланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бундай қадрият ва аънолар бундиги синовли кунларда яна бир бор яққол намоён бўлди. Корхона жамоаси ҳам «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракатида фаол иштирок

этмоқда. Хусусан, шу кунга қадар корхона томонидан Фарғона шаҳар Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш бўлимига 600 млн. сўм, Марғилон шаҳар Маҳалла ва оилани кўллаб-қувватлаш бўлимига 756 млн. сўм, 18 ёшгача бўлган фарзандлари-

ни ёлғиз тарбиялаётган оналарга 25 млн. сўм, 161 нафар ижтимоий химояга муҳтож пенсионерларга 39 млн. сўм, корхона раҳбарлари, бошқарма, бўлим ва цех бошлиқлари томонидан 114 нафар ижтимоий химояга муҳтож оилаларга 15 млн. сўм ёрдам кўрсатилди. Умуман олганда, корхона жамоасининг «Саховат ва

кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасидаги эзгу юмушларга қўшган ҳиссаси 1 млрд. 504 млн. сўмдан ортгани кувонарлидир. Бу корхона жамоаси «Одамларнинг дарду ташвиши билан яшаш – одамийликнинг энг олий мезонидир» деган эзгу тамойил асосида яшайётгани ва меҳнат қилаётганидан далолат беради.

# ДИЛБАР ЮРТ БАҒРИДАГИ ЧАМАНЗОР

Корхона миқдодлари дўстлик ва қардошлиқнинг энг яхши аъноалари бардавонлигини сақлаб келаётган катта ва аҳил оила дейиш мумкин. Ҳозирги кунда 7200 нафардан зиёд турли миллат ва элат вакиллари билан жамоа ҳамиша фидойилик намунасини кўрсатиб меҳнат қилиш баробарида, сеvimли байрамларимизни катта тантана қилиш, миллий қадрият ва аъноаларни эъзозлаш тадбирларида жонбозлик кўрсатиб келмоқда.

# ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК ОИЛАСИДА

Корхона қошида фаолият кўрсатувчи «Кимёгар» маданият саройи бадийи жамоалар, рақс гуруҳлари ўз дастурлари орқали нафақат ишчи-ҳодимлар, балки Фарғона шаҳар аҳли, вилоятимиз меҳмонларини мамнун этиб келишади. Мустақиллик, Наврўз, Хотира ва Қадрлаш кун, касб байрами, Янги йил шодиёналари ўзгача руҳ ва шодиёна билан нишонланади. Байрамларда миллий тароналаримиз, дунё халқларининг куй-қўшиқлари жаранг сочади. Байрам кайфияти диллардан дилларга, оилалардан оилаларга кўчиб, ҳамюртларимизнинг бугунги дорилмомон, тинч ва фаровон кунларга бўлган шу-кроналик, нурли келажакка юксак ишонч туйғуларини янада мустаҳкамлайди. Зеро, тинч-осойишта юртга фақат байрамлар ярашади, эртанги кундан кўнгли хотиржам инсоннинг кўнглига хурсандчилик сиғади. Дунёнинг энг кўтлүғ саодати шу эмасми, аслида?!

Дунёқараш ва тафаккуримизни ўзгартираётган бунёдкорликлар, янгилашни ва ўзгартириш асносида юрт гавҳари ва марвариди бўлган Фарғона шаҳри кундан кунга муҳташамлик касб этиб бормоқда.




Вилоят марказининг ўзига хос гўзал ва бетакрор маскани бўлган Қирғули латофатидан баҳраманд бўлиб, Фарғона водийсининг энг улкан корхоналаридан бири сари хушқайфиятда борар экансиз, анвойи гуллар атри, музаффар ҳаёт акси бўлган манзарали даррактлар, текис ва равон, ораста йўллар қалбингиздаги шу азиз Ванганга, меҳнаткаш ва самийи она халқимизга бўлган меҳр-

муҳаббатни янада юксалтиради. Коронавирүс пандемияси шaroитида ҳам ҳар кун Фарғона шаҳри кўчаларида гуллар, даррактлар, кўчаларга оро бераётган корхона ишчи-хизматчиларининг фидокорона меҳнатига гувоҳ бўлар экансиз, улар бизга тобора ободлик, фаровонлик ва тараққиёт сари юз бераётган

Газетанинг Кимёгар кунги байрамига бағишланган махсус сонини РУСТАМ МАМАЖОНОВ тайёрлади.

# ИСТОРИЯ СОЗДАЕТ БУДУЩЕЕ



«Кто не знает своего прошлого, тот лишен будущего», сказал однажды писатель Ирек Биккин. Все, чем мы живем сегодня, пришло к нам благодаря прошлому. Важно помнить о своих корнях, истоках, нельзя забывать свою историю, ведь без прошлого не было бы настоящего.

# В

от и я накануне нашего любимого праздника хотела бы вспомнить славную историю нашего предприятия, строительство которого потребовало громадных усилий сотен специалистов и рабочих.

История нашего предприятия - АО «Farg'onaazot», богата на события. С самого его создания в 1962 году, оно выбрало направление на достижение высоких результатов и хорошего качества. Строительство предприятия было осуществлено за рекордный срок; в эксплуатацию был сдан комплекс цехов по переработке аммиака: цех аммиачной селитры, слабой азотной кислоты, электроснабжения, а также склад жидкого аммиака, железнодорожная ветка, ряд вспомогательных цехов и участков. Уже в первый год основания - в 1962 году были получены десятки тонн гранулированной аммиачной селитры и слабой аммиачной кислоты, а в начале декабря 1965 года - первые тонны дефолианта. В этом же году завод стал вырабатывать аммиачную воду и технический кислород. С 1970 года он выпускает сухой лед и жидкую углекислоту, а в 1979 году были получены первые тонны триацетилцеллюлозы и регенерированной уксусной кислоты. Первые тонны карбамида были получены в 1984 году. В 2009 году предприятие начал выпускать карбамидно-аммиачную селитру, а в 2018 году - новый продукт «UNI AGRO».

В связи с профессиональным праздником хотелось бы перечислить имена тех, кто сыграл большую роль в развитии предприятия. Это руководители, возглавлявшие в разные годы АО «Farg'onaazot». Первым директором завода был Маруан Бурбаев (с 1957-1970 гг.). Затем им руководили - Саттар Якубов (с 1970-1981 гг.), Равиль Акрамов (с 1981-1985 гг.), Михаил Кутуев (с 1985-1992 гг.), Абдухошим Абдуллаев (с 1992-1993 гг., 1995-2005 гг.), Иброхим Расулкулов (с 1993-1995 гг.), Тохир Хайдаров (с 2005-2009 гг.). С 2009 года по сей день председателем правления общества является Абдулатто Салижанов.

